Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 1-sentabr, yakshanba № 106-107 (3300)

Биз бугун эркин фикрлайдиган, онгли яшайдиган, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси тобора ўсиб бораётган, ўз келажагини, ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини ўзига аниқ тасаввур этаётган халқмиз.
Ислом КАРИМОВ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун мамлакатимиз, бутун халқимиз асрлар давомида орзиқиб, интилиб кутган, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган Мустақиллик кунининг йигирма икки йиллигини баланд руҳ ва шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Ана шу буюк айём билан, ҳақиқатан ҳам барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам билан сиз, қадрли юртдошларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклашдан бахтиёрман.

Мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмунини биз, аввало, ҳуқуқ деб қабул қиламиз. Мустақилликка эришиш — бу ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, биз қандай улуғ тарих, маданият ва маънавиятга эга эканимизни, ўзлигимизни чуқур англаб, бекиёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни, дину диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир.

Мустақиллик — бу ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳолимизнинг фаровонлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини муносиб даражага кўтаришдир.

Шу билан бирга, эртанги кунимизни янада юксалтиришга мустаҳкам замин яратиш, биз бошлаган буюк ишларни давом эттиришга қурби-қудрати етадиган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан ҳаётга кириб келаётган етук ва баркамол, мустақил фикрлайдиган янги авлодни камол топтириш демакдир.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларни амалга оширишда ўтган йигирма икки йил давомида эришган ва жаҳон тан олган ютуқ ва марралар — миллий демократик давлат қуриш, иқтисодиётимизни янги асосда ташкил этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг кўламли ишларимизни, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётганини кўз ўнгимиздан ўтказадиган бўлсак, **қани, айтинг, азиз дўстларим, қадрдонларим, истиқлолга эришмасдан туриб, бундай юксак натижаларга етиб боришимиз мумкинмиди?**

Бунга жавоб битта: Йўқ ва асло йўқ.

Фақатгина мустақиллик ва яна бир бор мустақиллик бу йўлда тоғдек мустаҳкам асос ва қудратли замин бўлди.

Барчани ҳайратда қолдираётган бундай улкан ўзгаришларни сарҳисоб қилишда табиий бир саволга мурожаат қилсак ўринли бўлади: яъни, **биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?**

Кеча Ўзбекистонимиз ўта оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобида қолиб кетгани, қолоқ, фақатгина пахта хомашёси етиштирадиган минтақага айланиб қолгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва социал аҳволи қандай аянчли ҳолатда бўлгани ва буларнинг барчаси республикамизни жар ёқасига олиб келгани, ўйлайманки, ҳали-бери кўпчилик юртдошларимизнинг ёдидан чиққан эмас.

Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда ўзини ўзи боқишга қурби етмаган ночор ўлкадан ўз кучи ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, ўзининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, бугун изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий, мустақил ва суверен давлатга айлангани барчамизга ғурур-ифтихор бағишламоқда ва аксарият халқаро кузатувчиларнинг ҳавасини тортмоқда.

Эл-юртимиз қандай катта ютуқ ва марраларга эришганининг тасдиғини англаш учун охирги йиллар давомида биз қўлга киритган натижаларни, Ватанимизнинг бугунги салоҳияти ва ўсиш суръатларини ўзида яққол ифода этадиган кўрсаткичларга эътибор қаратишни ўринли деб биламан.

Бугунги кунда 2000 йилга нисбатан мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 карра ўсгани, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 8,4 баробар кўпайгани ва охирги олти йил давомида иқтисодиётимизнинг ўсиши 8 фоиздан ошиб келаётгани — буларнинг барчаси дунё миқёсида камдан-кам учраётган рақамлар, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Истиқлол йилларида ёқилғи-энергетика, ғалла мустақиллигига, ўзимизни энг зарур истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз, энг муҳими, юртимизда аҳоли саломатлиги мустаҳкамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайгани бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимиздан ва халқимизнинг ҳаёт сифати ўсиб бораётганидан далолат беради.

Вақт ўтиши билан биз танлаган, чуқур ўйланган демократик ислоҳотлар, дунёда «ўзбек модели» деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканига, халқимизнинг манфаатига тўла жавоб бераётганига яна ва яна бир бор иқрор бўлмоқдамиз.

Биз эришган ютуқ ва марраларнинг асосий омили ҳақида гапирганда, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин — биз бугун ўзимизнинг дунёқарашимиз, онгу тафаккуримиз, ҳаётга, меҳнатга, ён-атрофга муносабатимиз билан кечаги — 90-йиллардаги одамлар эмасмиз.

Биз бугун эркин фикрлайдиган, онгли яшайдиган, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси тобора ўсиб бораётган, ўз келажагини, ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини ўзига аниқ тасаввур этаётган халқмиз.

Биз бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилишдек олий мақсадни ўз олдимизга қўйдик ва **бу йўлдан бизни ҳеч қандай куч қайтара олмайди.**

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва таҳликали замонда турли минтақаларда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ва қонли тўқнашувлар тобора кучайиб бораётганини кўриб, кузатиб, бефарқлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, ҳушёрлик ва уйғоқлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда.

Биз энг катта бойлигимиз бўлмиш, жамиятимиздаги ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз сифатида кўрамиз.

Шу маънода, халқимизнинг юрак-юрагига сингиб, ҳаётининг мазмунига айланиб кетган «Бизга тинчлик ва омонлик керак», деган эзгу даъватни амалга ошириш ҳаммамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлишини истардим.

Муҳтарам дўстлар!

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун бизнинг байрам қувончимизга шерик бўлаётган юртимиздаги хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча ҳурматли меҳмонларимизга самимий ва эзгу тилакларимизни изҳор этишга, уларнинг барчасига сиҳат-саломатлик ва ишларида янги омадлар тилашга ижозат бергайсиз.

Мана шу унутилмас дамларда кўпни кўрган, нене синов ва қийинчиликларда тобланган, кўп асрлик тарихимизда ўчмас из қолдириб, Ўзбекистонимизнинг бугунги ва эртанги кунини бунёд этишда фидоийлик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизга беқиёс ҳурматимни билдириб, бош эгиб таъзим қилишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб ўтирган, суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ўғил-қизларимизга, менинг фарзандларимга қарата айтмоқчиман: биз ўз олдимизга қўйган келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман.

Мен қаерда, қандай йиғилиш, қандай анжуман бўлмасин, сиз, навқирон ёшларимизнинг вакиллари билан учрашганда, сизларнинг ёниб турган кўзларингизни, куч-ғайратга тўлган қадди-қоматингизни кўрганда қалбимда беихтиёр катта ғурур ва ифтихор пайдо бўлади. Мен сизларнинг барчангизни ҳақиқатдан ҳам яхши кўраман, сизлар учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун бутун борлиғимни бағишлашга ҳам тайёрман.

Маррани доимо баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!

Муҳтарам ватандошларим, қадрдонларим!

Мана шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ватанимизни, халқимизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асрасин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди.

Мустақиллик туҳфа қилинмайди. Жасорат ва матонат билан қўлга киритилади. Мустақиллик кунини халқимиз энг улуғ, энг азиз айём, деб билади. Бу шонли санани катта шоду хуррамлик билан байрам қилади.

Бугун Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

2013 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, унга туташ майдон ва хиёбонлар, йўллар ва бинолар байрамона безатилган. Мусаффо осмон, гулгун шафақ, ранго-ранг байроқлар атрофга ажиб тароват бахш этган. Кўчаларни тўлдирган одамлар чироқлар нуридан шуъалаланаётган муаззам майдон томон ошиқади.

(Давоми 2-саҳифада).

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг пок номларини тиклаш, руҳларини шод, қадамжоларини обод этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Аждодлар хотираси муқаддас

Собиқ мустабид тузум даврида халқимизнинг юзлаб асл фарзандлари ном-нишонсиз кўмиб ташланган Тошкент шаҳрининг Бўзсув соҳилидаги қаровсиз жой давлатимиз раҳбари ташаббуси билан обод зиёратгоҳга айлантирилди. 2000 йилда бу ерда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бунёд этилди. Мажмуа таркибида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ташкил қилинди. 31 августни Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонлаш эзгу анъанага айланди.

Ушбу анъанага кўра 31 август тонгида «Шаҳидлар хотираси» хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни ёд этиш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мана шундай муборак жойларда, халқимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган минг-минглаб ватандошларимизни эслар эканмиз, бугунги тинч ҳаёт, мусаффо осмон, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришганимиз ҳаёлдан ўтади. Улар бир умр орзу қилган, бугунги авлодга насиб этган мустақиллик, эркин ва фаровон ҳаётнинг аҳамиятини теранроқ англаймиз.

(Давоми 4-саҳифада).

Асосий мақсадимиз — инсон манфаатларини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Шу кунларда халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрами руҳи билан яшамоқда. Янги-янги саноат корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, маданият ва спорт иншоотлари, савдо марказлари, турар жойлар, йўллар, кўприклар барпо этилмоқда.

Энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида бундай иншоотларни фойдаланишга топшириш яхши анъанага айланган. Ана шу хайрли анъанага мувофиқ истиқлолимизнинг 22 йиллик байрами олдидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, пойтахтимизда кўплаб янги иншоотлар қуриб битказилди.

Президентимиз Ислом Каримов 29 август куни Тошкент шаҳридаги ана шундай иншоотлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Хадра майдонига ташриф буюрди.

Президентимиз раҳнамолигида пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда. Шаҳар қиёфаси ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланиб бормоқда. Замонавий иншоотлар, турар жойлар, ижтимоий объектлар, йўл ва кўприклар, сўлим боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда.

Миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак талаблари асосида барпо этилган Мустақиллик майдони, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонани ўз ичига олган «Маърифат маркази», Ҳазрати Имом мажмуаси, Амир Темур хиёбони, «Бунёдкор» спорт мажмуаси сингари кўплаб иншоотлар мазкур йўналишдаги ишларнинг ёрқин намоёнидир.

Хадра майдони — Тошкентнинг тарихий марказларидан бири. Бу ерда Навоий шоҳ кўчаси, Фурқат, Зарқайнар ва Себзор кўчалари ўзаро кесишади. Майдон атрофида Тошкент давлат цирки, турли идора ва ташкилотлар, савдо мажмуалари, кўп қаватли уйлар жойлашган. Шу боис майдон ҳамиша гавжум, кўчалар серқатнов бўлади.

Аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қулай имкониятлар яратиш мақсадида бу ерда улкан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Фурқат кўчасини Зарқайнар ва Себзор кўчалари билан боғлайдиган ер ости автомобил йўли реконструкция қилинди. Навоий шоҳ кўчасида 46 метрлик ер ости йўлаги қурилди. Фурқат кўчасидан ўтувчи 82 метрлик пиёдалар йўлаги таъмирланди.

Президентимиз мазкур объект билан танишар экан, бундай йирик иншоотларни лойиҳалаштириш ва қуришда шаҳарнинг иқлим шароитини ҳисобга олиш, рельефидан оқилона фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

(Давоми 3-саҳифада).

Яна Самарқандда кўришгунча хайр!

Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа фестивали якунланди.

Қарийб бир ҳафта давомида кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд мусиқа байрами шукуҳи билан яшади. Шаҳардаги Регистон майдони, «Мўъжиза» ва «Ниҳол» амфитеатрлари, «Ёшлик» истироҳат боғи, Самарқанд, Оқдарё, Пастдарғом ва Жомбой туманларида 52 мамлакатдан ташриф буюрган санъаткорлар ўз истеъдодини намойиш этди. Турли тилларда Ватан, тинчлик ва дўстлик, муҳаббат ва садоқатни тараннум этувчи қўшиқлар янгради.

Меҳмонлар шаҳардаги музейлар, ҳунармандчилик марказлари ва меҳмонхоналарда фестивал тарихига оид суратлар, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ва чолғу асбоблари кўргазмаларини катта қизиқиш билан томоша қилдилар. Тарихий обидалар, буюк алломаларимиз номи билан боғлиқ мажмуалар зиёрати, истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотлар иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

(Давоми 4-саҳифада).

Ishonch
2013-yil 1-sentabr № 106-107 (3300)

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 август куни Оқсаройда мамлакатимизга ташриф буюрган Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатаси аъзолари Эни Фалеомаваега ва Жеймс Патрик Моранни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уларнинг Мустақиллик байрами нишонланаётган кунларда келгани мамлакатимиз тўғрисида, ўзбек халқининг бой маданияти, маънавий ва тарихий мероси ҳамда анъаналари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш имконини беришини таъкидлади.

«Парламентаризмни ривожлантириш: Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси» мавзусидаги халқаро конференцияда АҚШдан нуфузли делегация иштирок этгани ўзаро ҳамкорлик кенгайиб бораётганидан яна бир далолат бўлди.

Қайд этилганидек, ривожланиб бораётган парламентлараро алоқалар Ўзбекистон — АҚШ мулоқотининг муҳим йўналишларидан биридир.

Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликка доир кенг кўламли масалалар, айрим минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Учрашувда илғор АҚШ технологияларини жалб қилган ҳолда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани таъкидланди.

Конгрессменлар Ўзбекистон Президентини мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги билан самимий муборакбод этдилар, Самарқандда «Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивали муваффақиятли ўтказилгани билан қутладилар.

Эни Фалеомаваега ва Жеймс Моран самимий қабул ва икки томон учун муҳим масалаларни муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, АҚШда Ўзбекистон билан барча соҳаларда ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга қизиқиш ортиб бораётганини таъкидладилар.

ЎзА

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари ташриф буюрган.

Соат 19.00. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси ижро этилади.

Майдонга ўрнатилган йирик мониторларда Президентимизнинг 1991 йил 31 август куни парламент минбарида нутқ сўзлаётган сиймоси намоён бўлади. Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилади.

Бу сўзлар ҳурриятпарвар аждодларимизнинг асрий орзусини, халқимизнинг ўзига муносиб ҳурмати ва ҳуқуқини рўёбга чиқарди.

Бу йил энг улуғ, энг азиз айёмимиз мамлакатимиз бўйлаб **«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!»** деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда. Бу шиорда истиқлолнинг мазмун-моҳияти, мустақиллик туфайли ҳис этганимиз инжа туйғулар ўз аксини топган.

Истиқлол йилларида халқимизнинг турмуш даражаси муттасил юксалиб бормоқда. Бу аҳоли даромадларининг изчил ўсаётгани, одамларнинг шахсий уй-жой ва сифатли истеъмол товарлари билан таъминланаётгани, яшаш учун зарур инфратузилманинг кенгайиб бораётганида намоён бўлаётир. Бугун юртимиздаги оилаларнинг 97 фоизи ўз уйига, ҳар уч оиладан бири шахсий автомобилига эга. Аҳолининг 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган.

Мамлакатимиз ижтимоий фаровонлик, жумладан, умр кўриш давомийлиги, оилаларнинг тинчлиги ва осойишталиги, ишсизлик даражасининг пастлиги бўйича жаҳон ҳамжамиятида кўплар ҳавас қиладиган юксак ўринларни эгаллаб турибди.

...Даврага болалар чиқиб келади. Уларнинг шўх-шодон кулгулари, қувноқ рақс ва қўшиқларидан диллар яйрайди.

Истиқлол йилларида ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ узлуксиз таълимнинг ноёб механизми яратилди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида, чекка-чекка қишлоқларда ҳам замонавий касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди. Янги университет, институт ва академиялар ташкил этилиб, энг ноёб мутахассисликлар бўйича ҳам кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бунинг самарасида барча соҳаларда кадрларга бўлган эҳтиёж таъминланмоқда. Бугун умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда олий таълим тизимидан иборат барча босқичларда замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, чет тилларида эркин сўзлашадиган, жисмонан чиниққан, эътиқоди мустаҳкам авлод вояга етмоқда.

Ёшларимиз энг нуфузли халқаро танловларда, Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботламоқда. Жорий йилда мамлакатимиз ўқувчилари кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадасида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси асосида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган замонавий скрининг марказлари, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Репродуктив саломатлик маркази, уларнинг минтақавий филиалларида оналар ва чақалоқларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришнинг асосий воситаси сифатида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз томонидан асос солинган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти умуммиллий ҳаракатга айланди. Айни пайтда бу жараён таълим-тарбия тизими билан мутаносиб равишда олиб борилаётгани ёшларимизни ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан ўйғун ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, одамлар эркин нафас оладиган жамият барпо этилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият экани мустаҳкамлаб қўйилди. Бунинг ҳаётий ифодасини мамлакатимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оиланинг орзу-интилишлари рўёбга чиқаётганида, одамларнинг дунёқараши, ҳаётга ва меҳнатга муносабати юксалиб бораётганида яққол кўриш мумкин.

Бугун Ўзбекистон 130 дан ортиқ давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Тошкентда 45 мамлакатнинг элчихонаси, йигирмага яқин халқаро ташкилот ва молиявий муассаса ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Хорижий давлатларда, халқаро ташкилотлар ҳузурида Ўзбекистоннинг 46 дипломатик ва консуллик ваколатхоналари очилган. Мамлакатимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ, Ислом конференцияси ташкилоти каби нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмаларга аъзо.

Ўзбекистон халқаро муносабатларда асосли ва эзгу ташаббуслари билан жаҳон оммаси ҳурматини қозонмоқда. Дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, гуманитар-маданий ҳамкорликни ривожлантириш, экологик муаммоларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлари самарасида мамлакатимизнинг жаҳон сиёсат майдонидаги обрў-эътибори ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

«Бу Ватан сенингдир». Қалбларга ҳаяжон солувчи, Ватанга дахлдорлик туйғуларини уйғотувчи ушбу қўшиқ садолари остида майдонга озодлигимиз ва тинчлигимизнинг мустаҳкам қалқонлари бўлган ҳарбийларимиз кириб келади.

Эл-юртимиз осойишталиги, мамлакатимиз хавфсизлиги ишончли қўлларда. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида замонавий Қуролли Кучларни шакллантириш, унинг қудрати ва салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар бунда муҳим омил бўлаётир.

Тинчлик – тараққиёт ва фаровонликнинг энг муҳим омили. Мамлакатимизда ана шу омилнинг доим барқарорлиги туфайли барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришилмоқда. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»нинг изчил амалга оширилаётгани самарасида мамлакатимиз иқтисодиёти 3,5 баробардан зиёд ўсди.

Бундай юксак натижаларга эришишда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар муҳим омил бўлмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолини сифатли товарлар билан таъминлаш, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни кўпайтириш, замонавий хизмат кўрсатиш, янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда аҳоли даромади ҳамда фаровонлигини оширишда етакчи кучга айланиб бораётир.

Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бу 2012 йил 14 сентябрда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам алоҳида эътироф этилди.

Қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шакллари жорий этилгани, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани, энг муҳими, меҳнатга муносабатнинг ўзгаргани самарасида Ўзбекистон қисқа вақтда ғалла мустақиллигига эришди.

Жорий мавсумда деҳқонларимиз 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этди. Бу рақамни 90-йиллардаги ҳолат билан қиёслаганда ҳосилдорлик 3 каррадан кўпроқ ошгани, умумий ҳосил 7 баробардан зиёд кўпайгани аён бўлади. Мустақилликка дон ва ун таъминоти бўйича бошқаларга қарам бўлиб келган халқимиз айни пайтда ўз эҳтиёжини таъминлаш билан бирга хорижий давлатларга дон экспорт қилмоқда.

Янги боғлар, токзорлар барпо этилаётгани, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик каби тармоқлар ривожланаётгани натижасида бозорларимиз тўкин, дастурхонимиз файзли, баракали. Сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева, узум етиштириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми изчил ўсиб бораётир.

...Оҳанглари эзгулик нишоналари бўлиб, байрам саҳнасида мумтоз санъатимиз дурдоналари янграйди... Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ўз тарихи, анъаналари ва қадриятларига эга бўлган ва уни қадрлаган миллат теран илдизларидан қувват олади, юксалади, тараққий этади.

Истиқлол йиллари Ватанимиз учун маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлди. Аждодларимиз томонидан яратилган бой маънавий-маданий меросимиз тикланди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий сингари улуғ боболаримизнинг юбилейлари кенг нишонланди. Имом Бухорий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк уламоларимиз, азиз-авлиёларимиз хоки-поклари обод, руҳлари шод этилди.

Тарихи неча минг йилларга бориб тақаладиган шаҳарларимиз юбилейини халқаро миқёсда нишонлаш анъана тусини олди. Самарқанд, Хива, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Тошкент, Марғилон сингари қадим ва муаззам шаҳарларимизнинг тўйларини нишонлаш асосида тарихимизни янада теран ўргандик, шаҳарсозлигимиз, маданиятимиз илдизларини чуқур тадқиқ этдик, шундай улуғ аждодлар ворислари эканимиздан чексиз фахру ифтихор туйдик. Халқимиз даҳосининг бой маданий-маънавий қадриятларидан саналган «Авесто»нинг 2700 йиллиги, «Алпомиш»нинг 1000 йиллиги, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги катта байрамга айланди.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали ана шу бой маънавий меросимизни кенг тарғиб этиш, санъатнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётир.

«Art Week Style.uz» санъат ҳафталиги ҳам ўзига хос маданият ва санъат байрамига айланди. Ҳафталик доирасида ўтказилаётган «Олтин Гепард» халқаро Тошкент кинофоруми, «Theatre.UZ» халқаро театр фестивали, Халқаро Тошкент фотобиенналеси каби йирик лойиҳаларда мусиқа, кино, театр, фотография, тасвирий санъат, дизайнерлик, мода, меъморлик каби кўплаб соҳа ва йўналишлардаги ютуқлар намойиш этилмоқда.

Президентимиз таклифига биноан 2013 йил мамлакатимизда Обод турмуш йили, деб эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси асосида пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида бунёд этилган кўпқаватли замонавий уйлар фойдаланишга топширилди. Бу шаҳарнинг меъморий қиёфасини янгилаб, бошқа иншоотлар билан уйғунлик касб этди. Пойтахтимизни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида режали ривожлантиришга қаратилган бундай изчил ишлар самарасида Тошкент дунёдаги экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфага эга етакчи пойтахт шаҳарлар қаторидан жой олди. 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида қайд этилгани бунинг далилидир.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш, намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ аҳоли пунктларини обод этиш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган эътибор самарасида шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги тафовут камайиб бормоқда.

Шу йилнинг 17 апрел куни пойтахтимизда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференцияда бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

2009-2012 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 23,6 минг замонавий уй-жой, уларга мос инфратузилма барпо этилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида 10 мингта якка тартибдаги замонавий уй-жой барпо этилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида кўплаб ана шундай уйлар ўз эгаларига топширилди.

Бундай имкониятлар оилаларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, аввало, уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга хизмат қилмоқда. Аёлларимиз рўзғор ташвишларидан ортиб, ўз қизиқиш ва интилишларини рўёбга чиқармоқда. Фарзандларини соғлом ва баркамол этиб вояга етказмоқда.

Бугунги кунда иқтисодий-ижтимоий соҳаларда меҳнат қилаётганларнинг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган хотин-қизлар мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.



— Биз бахтли авлодмиз — шундай бир улуғ тарихий даврда яшаяпмиз, — дейди байрам тантаналарида иштирок этган Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаси Муфассалхон Пўлатова. — Ота-боболаримизга армон бўлган, мамлакатимиз тарихида янги даврни бошлаб берган мустақилликни кўриш бизга насиб этди. Истиқлолимизнинг ҳар бир йили улкан ўзгаришлар, тарихий воқеаларга бой бўлаётир. Юртбошимиз раҳнамолигида эришилаётган бундай улкан ютуқлар мана шу тантаналар шукуҳида, юртдошларимизнинг очиқ чеҳрасида ҳам яққол кўриниб турибди.

— Ўзбекистон мустақиллиги байрамида иккинчи марта иштирок этаётганимдан мамнунман, — дейди Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чжан Сяо. — Байрам тантанасидаги кўтаринки руҳ, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик юртингиздаги тўкинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаёт ифодасидир. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон ҳар томонлама жадал ривожланмоқда. Буни мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами йилдан-йилга кенгайиб, икки томонлама муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилганида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бундан кейин ҳам изчил тараққий этаверишига ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини мустақиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман, бахт-саодат тилайман!

...Байрам тантанаси янада қизийди. Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар ва рақсларда яшаш завқи, ёш авлод қалби ва тафаккурида жўш ураётган бунёдкорлик иштиёқи, шу заминда туғилиб камол топиш бахтидан масрурлик ҳислари жўш уради...

Майдон узра таралаётган куй ва алёрларда мустақиллик, тинч ва осойишта ҳаёт улуғланади, эркин ва обод Ватанга фарзандлик меҳри, шукроналик ва миннатдорлик туйғуси билан йўғрилган, севги, садоқат ва дўстликни мадҳ этувчи қўшиқлар жозибали рақсларга уланади.

Замонлар ўтади, мамлакатимизда янги-янги авлодлар дунёга келади, аждодларимизнинг, халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, эркин ва обод Ватан барпо этиш йўлида қанот бўлиб, беқиёс имконият ва истиқболларни очиб берган бу кун — Мустақиллик куни юртимиз тарихидан асло ўчмайдиган буюк сана бўлиб қолаверади.

Самода ранг-баранг мушаклар жило сочади. Ёғдуларга боқиб қалбларимиздаги ҳаяжон тошади. Қалблардаги эзгу ниятлар тилга кўчади:

— Мустақиллигинг абадий бўлсин, жонажон Ватаним!

— Улуғ тўйинг муборак бўлсин, буюк ва муқаддас Ватаним — мустақил Ўзбекистон!

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири.
Аъло АБДУЛЛАЕВ,
Сарвар ЎРМОНОВ
(ЎзА) олган суратлар

Эркин ва обод ватан мадҳи

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови жараёнида она юртга муҳаббат руҳи билан йўғрилган янги қўшиқлар яратилмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Мудофаа, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этилган мазкур ижодий танлов мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ўтказилди.

Мамлакатимизда миллий мусиқа санъатини равнақ топтириш, ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг кўнгил мулкига айланувчи юксак савияли қўшиқларни яратишни рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови янгидан-янги истеъдод соҳибларини кашф этиш, шоир, бастакор ва хонандалар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Танловда ёши, касби, миллати, профессионал тайёргарлик даражасидан қатъи назар, барча хонандаларнинг иштирок этиши унинг нуфузи ва қамровини янада оширмоқда.

Мазкур кўрик-танловнинг ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, биринчи ўрин Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов сўзи, Ўзбекистон санъат арбоби Баҳрулла Лутфуллаев мусиқаси билан ижро этиладиган «Жоним Ватан» қўшиғи учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рамиз Усмоновга берилди.

Иккинчи ўринга қорақалпоғистонлик ижодкорлар — шоира Гулистан Аннақиличева шеъри, Ажинияз Пахратдинов мусиқаси билан «Ниҳол» мукофоти совриндори Сарбиназ Аннакулова ижросидаги «Шундай эркин замонлар» қўшиғи лойиқ топилди.

Учинчи ўрин Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон сўзи, бастакор Жавдодбек Козимов мусиқаси билан яратилган «Сен менинг Ватанимсан» қўшиғи учун Самарқанд Давлат университети жамоасига берилди.

ЎзА



Бахт ва саодат маскани

Энг улуғ, энг азиз айём олдидан Навоий шаҳрида «Бахт уйи»нинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Замонавий андозалар асосида бунёд этилган муҳташам кошона шаҳарликларга ўзига хос байрам туҳфаси бўлди.

— Бинонинг очилиш маросимида янги қўшалоқ оиланинг никоҳи қайд этилди. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар туфайли шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб, аҳолининг турмуш фаровонлиги тобора ошиб бормоқда, — дейди Навоий шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири Манзура Қўлдошева. — Барча қулайликларга эга мазкур маскан ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ёшларни оилага тайёрлаш, уларни ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган оилалар билан яқиндан таништириш борасида адлия органлари томонидан кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу «Бахт уйи»нинг фойдаланишга топширилиши никоҳдан ўтувчи ёшларни оилага тайёрлаш ва никоҳдан ўтказиш борасида юридик хизмат кўрсатиш сифатини янада оширади.

Маросимда Навоий вилояти ҳокими Э.Турдимов иштирок этди.

Н.РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири.
Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган сурат



Асосий мақсадимиз — инсон манфаатларини таъминлаш

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўтган асрнинг 80-йилларида Навоий ва Фурқат кўчалари чорраҳасидаги ер ости автомобил йўли, Хадра майдонининг ён томонидаги кўп қаватли уй қурилишида ана шундай табиий омиллар ҳисобга олинмагани, узоқни ўйламай иш тутилгани кўплаб ноқулайликлар туғдирар эди. Ҳудуднинг асосий қисми асфалт ва бетон билан қоплангани бизнинг иқлим шароитимизга тўғри келмас эди. Бинолар йўлга жуда яқин қурилгани сабабли уларнинг олдига дарахт экишнинг ҳам иложи йўқ эди.

Кўп қаватли уйларда яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, дам олиши учун имконият яратиш, Хадра майдонида мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида бу ерда улкан фаввора бунёд этилди. Фаввора 12 метр баландликкача кўтарилади. Тунда рангбаранг чироқлар ёғдусида жилоланади.

— Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жараёнида доимо инсон манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим, — деди Президентимиз. — Аҳолининг яшаши, меҳнат қилиши, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликлар яратилмоғи даркор.

Кўчалар, майдон ва хиёбонларда яшил ҳудудларни кенгайтириш борасидаги ишлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Каштан, қарағай, арча, қайин каби ҳавони тозаловчи ва кислород билан бойитувчи кўплаб дарахтлар ва гуллар экилиши натижасида пойтахтимиз янада обод ва кўркам бўлиб бораётир. 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли «Экономист» журнали бўлинмаси — Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўриндан жой олгани бунинг далилидир.

Хадра майдонида амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишлари самарасида пойтахтимизда яна бир сўлим маскан пайдо бўлди. Майдоннинг Навоий шоҳ кўчасига яқин қисмидаги асфалт қопламаси олиб ташланиб, унинг ўрнида яшил майсазор барпо этилди. Манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Болалар учун ўйин қурилмалари ўрнатилди.

Бино, йўл ва бошқа инфратузилма иншоотларини қуришда нафақат бугунги кунни, балки келажак авлодлар манфаатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда иш тутиш зарур, деди Ислом Каримов.

Мамлакатимизда, жумладан пойтахтимизда бунёд этилган замонавий иншоотлар, йўллар, кўприклар, боғ ва хиёбонларга назар солган киши уларда ана шу эзгу мақсад мужассам эканини сезади.

Биз барча иншоотларни, йўллару кўприкларни ўз ақлу заковатимиз, куч ва салоҳиятимиз билан қуряпмиз. Амир Темур бобомизнинг «Агар бизнинг қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган биноларни келиб кўринг», деган ҳикматли сўзи барча бунёдкорлик ишларимизда дастуруламал бўлмоғи лозим, деди Юртбошимиз.

Президентимиз Хадра майдонининг қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг, аввало, болаларнинг дам олиши учун яратилган қулайликларни янада ошириш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, фавворалари замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Президентимиз «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг реконструкция қилинган Қуювмеханика заводи фаолияти билан ҳам танишди.

Юртбошимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётир. Саноат корхоналарида тармоқлараро ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб, ишлаб чиқариш жараёнига энг замонавий техника ва технологиялар жалб этилмоқда, транспорт-коммуникация тизими инфраструктураси изчил ривожлантирилмоқда. Тубдан реконструкция қилиниб, янги қуюв линияси жорий этилган Қуюв-механика заводи Ўзбекистонда темир йўл тармоғини жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг ёрқин натижасидир.

«Дизел локомотивлари паркини модернизация қилиш» лойиҳаси бўйича мазкур корхона «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси ихтиёрига берилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қуйма маҳсулотларнинг салмоқли қисми мазкур завод цехларида тайёрланаётир. Айни пайтда бу ерда 1270 мутахассис иш билан банд.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил июн ойидаги Қуювмеханика заводида юк вагонларини таъмирлаш базасини ривожлантириш, вагон қурилишини ташкил этиш ва қуюв ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирларига оид қарорига асосан 2012 йилдан бошлаб мазкур ишлаб чиқариш тармоғида 150 миллион АҚШ долларилик лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 48,8 миллион АҚШ долларига тенг кредити ва қолган қисми «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳисобидан амалга оширилди. Завод Германиянинг «Kunkel Wagner», «Otto Junker», «Nederman» компанияларида ишлаб чиқарилган энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланди. Таъкидлаш жоизки, лойиҳа асосида заводнинг янги қуюв линиясида ўрнатилган ушбу янги авлод технологиялари Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Энг муҳими, янги қуюв линиясининг модернизация қилингани электр қувватини сезиларли даражада тежаш имконини бераётир.

Мазкур лойиҳанинг аҳамияти шундаки, импорт ўрнини босувчи бир неча турдаги эҳтиёт қисмларни корхонанинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Йилига 26,5 минг тонна қуюв маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур заводда бугунга келиб 167 турдаги саноат маҳсулотлари маҳаллийлаштирилди. Бу йилига 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги валютани иқтисод қилиш имконини беради. Лойиҳа маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар учун йилига 15 минг тоннадан зиёд пўлат, 10 минг тоннадан ортиқ чўян ва 500 тонна рангли металл қуйиш, шунингдек, 1200 янги вагон қуриш, 950 йирик ҳажмли контейнерлар ишлаб чиқариш ва 1500 юк вагонини қайта таъмирлаш имконини беради. Заводда нафақат темир йўл тизимидаги ишлаб чиқариш тармоқлари, балки мамлакатимизнинг етакчи машинасозлик саноати корхоналари учун ҳам зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 2012 йилда юк вагонларининг янги турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхонада янги ишлаб чиқариш турлари ўзлаштирилмоқда. Жумладан, юк вагонлари капитал таъмирланиб, модернизация қилинмоқда, янги юк вагонлари қурилмоқда, чўян, металл ва рангли металл қуйиш, ҳаракат таркиби ва темир йўлнинг устки қисмини бутловчи эҳтиёт қисмлар, шунингдек, ностандарт металл конструкциялар каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Келгусида мамлакатимиздаги бошқа саноат тармоқларининг қуюв маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали маҳсулотлар таннархини камайтириш мўлжалланмоқда. Заводнинг юк вагонларини қуриш қувватини йилига 3 мингтагача ошириш, шунингдек, бошқа турдаги вагонларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишар экан, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган замонавий техника ва технологияларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

— Бугунги кунда атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш жуда долзарб масаладир, — деди Президентимиз. — Шу боис ишлаб чиқариш жараёнида экологик тоза ва сифатли технологиялардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бир пайтлар Ўзбекистоннинг машинасозлик ва металлургия соҳаларини ўзлаштира олишига шубҳа билан қараганлар ҳам йўқ эмас эди. Эртасига ишонган мамлакат халқигина фаровон яшайди. Ўзбекистон бугун нафақат машинасозлик ва металлургия соҳаларида, балки темир йўл соҳасида ҳам барқарор тараққий этаётганига барча ҳавас билан қарамоқда.

Металл қуйиш дунё миқёсида оғир саноатнинг энг етакчи ва мустаҳкам тармоқларидан бири саналади. Ўзбекистон ўзининг иқтисодий мустақиллигини таъминлай олган давлат сифатида оғир саноатнинг бу йўналишини ҳам ўзининг имкониятлари ва салоҳияти эвазига жаҳонда иқтисодий инқироз ҳукм сураётган бир пайтда муваффақият билан ўзлаштирди.

Корхона юк вагонлари қуриш, вагон йиғув, тайёрлов ва комплектлаш, механика-йиғув, қуюв, темирчилик-пресслаш, асбобсозлик, таъмирлаш-комплектлаш, механик таъмирлаш, ёғочга қайта ишлов бериш, транспорт, компрессор, кислород, энергия қувват цехлари, автомобил жиҳозларини таъмирлаш участкалари каби кўп тармоқли цехлардан таркиб топган. Бу ерда 5 километрдан зиёд темир йўл мавжуд.

Қуюв-механика заводининг янги металл қуюв цехи ва участкаларида вагон қуриш, мураккаб техника ва ускуналарни таъмирлашга имкон берадиган энг ноёб гидравлик пресслаш, пармалаш дастгоҳлари мавжуд.

Президентимиз корхонада ёш мутахассислар билан суҳбат асносида бугунги кунда ўзбек ёшлари ақл-заковат, иқтидор ва қобилият, интилиш ва ташаббус бобида хорижда ҳам кўпчиликнинг ҳавасини тортаётганини қайд этди.

— Зукко ва тиришқоқ ўғил-қизларимизни кўриб, уларнинг шижоатидан, замонавий техника ва технологияларни осонлик билан ўзлаштираётганидан хурсанд бўламан, — деди давлатимиз раҳбари. — Албатта, ҳар қандай асбоб-ускунаю, техника ва технологияни исталганча сотиб олиш мумкин. Аммо касб ва маҳоратни, иқтидор ва қобилиятни сотиб олиб бўлмайди. Ўз иш фаолиятини бошлаган ҳар қандай ёш мутахассис улкан масъулиятни ҳис этиб, иш жараёнида қўлланиладиган замонавий техника ва технологияни ишлатишга тайёрманми, деган саволни ўз олдига қўйиши, барча талабларга жавоб бериши, шижоат билан ишлаши керак. Ёшларнинг бундай замонавий технологиялардан фойдаланаётгани бизнинг катта ютуғимиздир.

Мустақиллигимиз берган имкониятларнинг ифодаси бўлган бундай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари халқимиз фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада ошириш, мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ривожлантиришга хизмат қилади.

Нодира МАНЗУРОВА,
Анвар САМАДОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.
Сарвар ЎРМОНОВ,
Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)
олган суратлар





Ўзбекистон — ягона уйимиз

Зафаробод — кончилар шаҳарчаси. Бу ерда 18 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшамоқда. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғиждувон туман кенгаши ташаббуси билан «Ўзбекистон — ягона уйимиз» шиори остида турли миллат вакиллари иштирокида фестивал ўтказилди.

Навоий кон-металлургия комбинати 5-кон бошқармасининг маданият саройи байрамона безатилиб, тантана доирасида турли миллатларнинг миллий қадриятларини ўзида акс эттирувчи кўргазма уюштирилди. Устоз ва мураббийлар, касаба уюшма фаоллари маданият саройида ташкил этилган музейда зафарободликларнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари билан яқиндан танишди.

Тадбирда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Р.Носирова, Ғиждувон туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири ўринбосари И.Норов тизимда олиб борилаётган ислоҳот ва муваффақиятлар ҳақида гапирдилар.

Ёш авлодга таълим-тарбия беришда муваффақиятларга эришган педагоглар рағбатлантирилиб, кам таъминланган оила фарзандларининг 10 нафарига ўқув қуроллари топширилди ҳамда 3 нафар меҳнат фахрийси ҳолидан хабар олинди.

Юнус ҲОМИДОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғиждувон туман кенгаши раиси

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Обод турмуш йили» дастурига мувофиқ Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида мустақиллик байрами олдидан хайрли тадбир ташкил этилди.

Байрам туҳфаси

Бирлашма кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Жаҳонгир Саидов йиғилганларни Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами билан қизғин табриклаб, ўтган давр мобайнида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига эътиборни қаратди. Шундан сўнг 10 та эҳтиёжманд оилага байрам туҳфаси сифатида кир ювиш машиналари топширилди.

— Бўка туманидаги «Ғаффор Азаматов» фермер хўжалигида ишлайман, — дея ташаккурини изҳор этди Гулнора Ҳожибекова. — Энг улуғ байрамимиз муносабати билан бизга берилган совғадан бошимиз кўкка етди. Бунинг учун касаба уюшмаларига миннатдорлик билдираман.

Ўз мухбиримиз

Маҳорат кўриги

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида Бухоро шаҳрида Аёллар спорт фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Тадбир вилоят хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Спортсеварлар стол тенниси, енгил атлетика, дартс, шахмат, сузиш, гимнастрада, волейбол турлари бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Умумжамоа ҳисобида Бухоро шаҳри вакиллари ғолибликни қўлга киритди. Пешку ва Олот туманлари жамоаларига иккинчи ҳамда учинчи ўринлар насиб этди.

Ғолибларга касаба уюшмалари ҳамда ҳомий ташкилотларнинг фахрий ёрлиқ ва совғалари топширилди.

И. ҲОЖИЕВ

Ishonch
2013-yil 1-sentabr № 106-107 (3300)

Аждодлар хотираси муқаддас

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда бугунги кунда мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, олдимизда турган муҳим вазифалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Биз мустақиллик йилларида азалий қадриятларимиз, дину диёнатимиз, миллий ўзлигимизни тиклаш йўлида қандай катта ишларни амалга оширганимиз элу юртимизга яхши маълум. Лекин бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт ва унинг ўткир талаблари маънавият соҳасида янги-янги вазифаларни олдимизга қўймоқда. Бутун дунё миқёсида инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб бир шароитда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларни бизга ёт ва бегона бўлган турли бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этаётгани барчамизга яхши аён, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Бу борада она заминимиздан етишиб чиққан, дунё илм-фани ва маданиятига унутилмас ҳисса қўшган улуғ мутафаккирларимиз, олиму алломаларимиз мероси, албатта, беқиёс аҳамиятга эга. Бу ўринда гап ана шу бебаҳо бойликдан оқилона фойдаланиш, уни фарзандларимиз, ёш авлодимизга ҳаққоний ва безавол етказиш ҳақида бораётганини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Яъни, бошқача айтганда, бугун замон талаб қилаётган дунёвий билимлар билан бирга, инсон ҳаётининг маъно ва мазмунини англатадиган, эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби фазилатлардан сабоқ берадиган диний билимларни ҳам пухта ўзлаштирган одамгина давримизнинг кескин ва мураккаб саволларига жавоб топа олади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг узоқ ва яқин ҳудудларида, Яқин Шарқ минтақасида юз бераётган қарама-қаршилик ва қонли тўқнашувлар, низо ва зиддиятларнинг туб илдизи ҳам айнан мана шундай кенг билим ва тушунчага эга бўлмаслик, жаҳолат ботқоғига ботиб қолиш, ақидапарастлик ва маҳдудлик билан боғлиқ, десак, янглишмаган бўламиз, деб сўзини давом эттирди Президент Ислом Каримов.

Бугун юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаётимизга таҳдид солиши мумкин бўлган бундай хатарларнинг салбий таъсирини, афсуски, бизнинг яқин ён-атрофимизда содир бўлаётган турли воқеа ва ҳодисалар мисолида ҳам кўриш, сезиш қийин эмас. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, бу воқеалар бизнинг ҳудудимиздан четда, бизга дахли йўқ, деб лоқайд қараш, бепарво бўлиб юриш асло мумкин эмас.

Энг ёмони, бундай ғоявий хуружлар турли йўллар билан, устамонлик билан олиб борилаётгани соғлом фикрли ҳар бир одамни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди.

Бундай ғаразли кучларнинг асосий нияти — ҳали ҳаётий тажрибаси, сиёсий-ижтимоий савияси етарли бўлмаган, содда ва ғўр ёшларни йўлдан уриш, ўзининг қабиҳ ниятлари йўлида фойдаланиш эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Фақатгина мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқоди мустаҳкам, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган эзгу қадриятларга садоқатли бўлган инсонгина бундай қутқуларга учмаслиги, тўғри йўлдан адашмаслиги мумкин. Бунинг учун, албатта, биринчи навбатда фарзандларимизни юксак билим ва маънавий фазилатлар билан қуроллантиришимиз лозим. Уларга биз учун муқаддас бўлган ислом динининг чинакам инсоний моҳиятини, унинг тинчлик, яхшилик, меҳр-шафқат, ҳамжиҳатлик дини эканини тўғри тушунтириб беришимиз керак. Бизга ёт ва бегона бўлган турли зарарли оқимлардан ҳимояланиш учун одамларга бу борадаги бор ҳақиқатни етказиш зарур. Таъбир жоиз бўлса, бундай хавф-хатарлардан одамларни, авваламбор, ёш авлодни ҳақиқат билан ҳимоя қилиш керак.

Шу маънода, бутун ислом олами юксак ҳурмат ва эҳтиром билан эътироф этадиган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк уламоларимиз қолдирган бой маънавий мерос биз учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, илоҳий ислом таълимотини, хусусан, мўътабар ҳадисларни башариятга етказиш йўлидаги Имом Бухорий бобомизнинг маънавий жасоратини алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим, деб биламан. Бу улуғ бобомизнинг табаррук меросини мен доим такрор ва такрор мутолаа қилиб, нафақат ўтмиш ва бугунги ҳаёт, балки эртанги кун билан боғлиқ жуда кўп саволларга жавоб топаман. Айниқса, у зотнинг қаламига мансуб «Ал-адаб ал-муфрад» асарида одамзот учун ибрат ва намуна бўладиган, уни ҳақ йўлга, эзгуликка бошлайдиган қанча-қанча ҳикмат ва ўгитлар борлигига, уларда одоб-ахлоқ, таълим-тарбия масаласи инсонни инсон қиладиган асосий мезон сифатида белгиланганига ишонч ҳосил қиламан.

Бундай табаррук асарларнинг долзарб аҳамияти шундаки, улар дунёнинг айрим ҳудудларида одоб-ахлоқ асосларига болта урилаётган, "оммавий маданият" кўринишлари тобора кенг тарқалиб бораётган бир вазиятда, бамисоли инсониятнинг кўзини очиб берадиган, уни огоҳ этадиган бонг каби янграмоқда.

Ислом маданияти, ислом фалсафасининг қадимий марказларидан бири бўлган бизнинг муқаддас заминимизда камол топган ана шундай улуғ олиму уламолар, азиз-авлиёларимизнинг ўлмас меросини, биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни жаҳон миқёсида кенг тарғибу ташвиқ қилиш, Ўзбекистонимизда виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан дунё жамоатчилигини таништириш мақсадида юртимизда, хусусан, Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий марказида турли илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, айни муддао бўлур эди.

Мана шундай ноёб меросимизни, такрор айтаман, эл-юртимизга, фарзандларимизга етказишда мен уламоларимиз, кўпни кўрган оқсоқолларимиз, маҳалла фаоллари, зиёлилар, кенг жамоатчилигимиз янада фаоллик кўрсатишини истардим, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйилди.

ЎзА



Яна Самарқандда кўришгунча хайр!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Анжуман доирасида ўтказилган «Шарқ мусиқа анъаналари замонавий маданият тизимида» мавзусидаги илмий конференция санъатшунос олимларнинг йирик халқаро анжумани сифатида муҳим ва долзарб масалалар муҳокамасига бағишланди. Тадбирда ўнлаб мамлакатлардан келган олим ва мутахассислар ўз маърузалари билан қатнашди.

Бу гал ҳам фестивалда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат намояндалари иштирок этди.

Самарқанд. Регистон майдони. 30 август...

Неча асрларга гувоҳ мадрасалар нилий гумбазлари ранго-ранг чироқлар нуридан ёғдуланади. Салобатли майдондаги амфитеатрда фестивал иштирокчилари, меҳмонлар ва санъат ихлосмандлари йиғилган. Бу ерда халқаро мусиқа анжуманининг тантанали ёпилиш маросими ўтказилди.

Фестивал қатнашчилари ва ҳакамлар ҳайъати барча тадбирларнинг юқори савияда ташкил этилгани, юксак ҳурмат-эҳтиром ва самимий меҳмондўстлик учун мамлакатимиз раҳбариятига, халқимизга миннатдорлик изҳор этдилар. Президент Ислом Каримовнинг фестивалнинг очилиш маросимида иштирок этиб, форум иштирокчиларини самимий табриклаб, дил сўзларини изҳор қилгани барча санъаткорларни ғоят руҳлантиргани алоҳида таъкидланди.

Ҳаяжонли лаҳзалар бошланди ва «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа фестивали ғолиб ва совриндорларининг номи эълон қилинди.

Фестивалнинг бош соврини — Гран-при Ҳиндистон Республикаси вакилларига насиб этди. Буркина Фасо ва афғонистонлик иштирокчилар биринчи, Хитой, Буюк Британия ва Жанубий Корея санъаткорлари иккинчи ўринга сазовор бўлдилар. Ўзбекистонлик созанда Аброр Зуфаров, Японияннинг «Чикуюша» гуруҳи ҳамда австриялик санъаткорлар эса учинчи ўринга лойиқ топилди.

— Ҳаяжон ва фахр-ифтихоримни сўз билан ифодалашим қийин, — дейди Гран-при соҳиби, Ҳиндистон жамоаси раҳбари Рашми Агарвал хоним. — Аввало мазкур нуфузли санъат анжуманида иштирок этишнинг ўзи энг катта муваффақият эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Бизнинг чиқишимиз юқори баҳоланиб, олий мукофотга муносиб кўрилгани ҳинд халқи санъатининг юксак эътирофи деб биламан. Фурсатдан фойдаланиб, шундай гўзал ва бетакрор фестивални ташкил этиш ташаббускори — Ўзбекистон Президентига, тадбир ташкилотчиларига миннатдорлик изҳор этаман. Биз келгуси фестивални ҳам орзиқиб кутамиз ва бу гўзал саҳнада яна қўшиқ ижро этишни орзу қилиб қоламиз.

Бир қатор қўшимча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди.

Маросимда фестивал ғолиб ва совриндорлари, юртимиз санъат усталарининг катта концерт дастури намойиш этилди.

Фестивал байроғи туширилди. Анжуман иштирокчилари яна икки йилдан сўнг Самарқандда «Шарқ тароналари» ўнинчи халқаро мусиқа фестивалида учрашиш ниятида хайрлашдилар.

Халқаро мусиқа фестивалининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов, Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

Ирода УМАРОВА,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.
Алишер ИСРОИЛОВ
(ЎзА) олган суратлар

«МУБОРАКНЕФТГАЗ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллик байрами билан муборакбод этади.
Истиқлол қуёши мангу нур сочсин!
Меҳнатсевар элнинг турмуши фаровон, ютуқлари бардавом бўлсин.
Озод ва обод юртимизга кўз тегмасин!

Ishonch
2013-yil 1-sentabr № 106-107 (3300)

Бошланғич ташкилот касаба уюшмаси ҳаракатининг асоси

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг корхона, ташкилот, муассасаларда тутган ўрни ва мавқеини янада ошириш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига доир қарорлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишида бошланғич ташкилотлар вакилларининг иштирокини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Айниқса, 2011 йил бу йўналишда туб бурилиш даври бўлди. «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшма ташкилоти тўғрисида намунавий Низом» тасдиқланди. Фаолиятга тааллуқли ҳужжатлар намуналарини ўз ичига олган «Бошланғич ташкилотлар раислари учун услубий қўлланма» ишлаб чиқилди ва барча қуйи ташкилотларга етказилди.

Айнан шу йили касаба уюшмалари Федерацияси миқёсида илк маротаба «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ўтказилди. Республика кўрик-танловини ўтказишдан асосий мақсад бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг янги йўналишларини ўрганиш, иш фаолиятини яхшилаш, кадрлар ҳамда фаолларнинг профессионал даражасини ошириш, касаба уюшмалари фаолларини, шунингдек, ёшларни касаба уюшма ташкилотлари фаолиятига кенг жалб этиш, аъзолик афзаллигини асослаш йўналиши бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтиришдан иборат этиб белгиланди.

Бундан ташқари, бошланғич ташкилотлар ишини намунали йўлга қўйишда юқори кўрсаткичларга эришаётган, барча йўналишлар бўйича вазифаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган тузилмаларни рағбатлантириш, уларнинг фаоллигини ошириш, ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда касаба уюшма ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратишга эътибор қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Илк марта ўтказилган кўрик-танловнинг ғолиблари бўлган «Максам Чирчиқ» АЖ ва Хонқа туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмиталарининг ижобий иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида мазкур бошланғич ташкилотлар фаолияти ёритилган DVD дисклар тайёрланди ва аъзо ташкилотларга етказилди.

Бошланғич ташкилотларга эътиборни янада кучайтириш учун 2012 йилда ҳар бир вилоятда 1 тадан тумандаги барча бошланғич ташкилотларнинг Устав бўйича фаолиятларини намунали ташкил этиш, ҳар бир туманда 2 тадан бошланғич ташкилот фаолиятини намунали йўлга қўйиш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида Федерация Кенгаши Раёсатининг қарори қабул қилинди.

Шу йилнинг июл ойида бўлиб ўтган Федерация Кенгашининг V мажлисида «Корхона, ташкилот, муассасаларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг тутган ўрни тўғрисида»ги масала кўрилиб, унда бошланғичлар фаолиятини янада юқори поғонага кўтариш борасида касаба уюшмалари органлари олдида турган 6 та вазифа белгилаб олинди ва ижроси таъминланмоқда.

Жорий йил январида ўтказилган Федерация Кенгашининг VII мажлисида бошланғич ташкилотлар касаба уюшмаларининг асоси эканлиги яна бир бор эътироф этилиб, қуйи ташкилотлар мавқеи ва нуфузини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди ҳамда 2013 йил Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида «Бошланғич ташкилотлар йили» деб эълон қилинди.

Жорий йилнинг март ойида илк бор «Бошланғич ташкилот касаба уюшмаси ҳаракатининг асоси» шиори остида бошланғич ташкилотлар етакчиларининг I Республика Форуми ўтказилиб, «Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш дастури» ишлаб чиқилди ва жойларга етказилди. Бу касаба уюшма фаолларининг янада жипслашуви ҳамда ўзаро тажриба алмашинувида ўзига хос кўприк вазифасини ўтади, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Бошланғич ташкилотларга эътиборни кучайтириш борасидаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида май-июл ойларида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари ўтказилиб, август ойида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида ҳудудий босқичлар якунига бағишланган тадбирлар уюштирилди. Танловда иштирок этган бошланғичлар фаолияти чуқур таҳлил этилди. Жамоа шартномаси ва унинг ижросини таъминлаш, ҳужжатларнинг номенклатура асосида юритилаётгани, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш борасидаги ишларга алоҳида аҳамият берилди.

Ҳудудларда ўтказилган мазкур тадбирларда 1700 га яқин бошланғич ташкилотлар раислари иштирок этди. Тадбирлар бошланишидан аввал иштирокчилар ҳудудий босқичларда 1-, 2- ва 3-ўринларни эгаллаган бошланғич ташкилотларнинг фаолияти акс этган кўргазмали стендлар билан танишдилар. Ҳудудий босқичларда ғолибликни қўлга киритган бошланғич ташкилотларда амалга оширилаётган ижобий ишларни оммалаштириш мақсадида касабақўм раислари тақдимоти ташкил этилди. Бу йилги кўрик-танловнинг ҳудудий босқичлари иш фаолияти оммалаштиришга арзийдиган бошланғич ташкилотлар сони тобора ортиб бораётганлигини кўрсатди.

Кези келганда иш берувчи ва касаба уюшма ташкилоти ўртасида ижтимоий шериклик намунали йўлга қўйилганлиги натижасида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, яхшиланганлигини эътироф этиш лозим. Бу борада жамоа шартномалари имкониятларидан самарали фойдаланиш соҳасида ибратли ишлар олиб борилаётган Андижон вилоятидаги «Фусункор» ишлаб чиқариш уюшмаси, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги «Ҳадича ая» фермер хўжалиги, Фарғона вилоятидаги «DAEWOO-Текстил» МЧЖ шаклидаги хорижий корхона, Олтиариқ туманидаги 8-умумтаълим мактаби, Самарқанд шаҳридаги 9-умумтаълим мактаби ва бошқа кўплаб корхона, ташкилот, муассасаларнинг номларини келтириш мумкин.

Кўрик-танловнинг ҳудудий босқичларини ўтказишга ижодий ёндашишлар ҳам кучайганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Жумладан, Наманган вилоятида «Касаначилик фаолиятини энг яхши йўлга қўйган бошланғич ташкилот» номинацияси таъсис этилиб, унда Чуст туманидаги 1- ва Тўрақўрғон туманидаги 20-умумтаълим мактаблари ғолиб чиққан бўлса, Хоразм вилоятида «Энг чиройли кўргазма ташкил этган бошланғич ташкилот» номинацияси бўйича «Бахмал» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшма ташкилоти ғолиб деб топилди.

Ҳудудий босқичлар ғолиблари бўлган, шунингдек, номинациялар бўйича энг яхши кўргазма ташкил этган ва энг яхши тақдимот қилган 240 га яқин бошланғич ташкилот ҳудудий бирлашмаларнинг диплом ва совғалари билан тақдирландилар.

Галдаги вазифа — илғор тажрибаларни умумлаштирган ҳолда, уларнинг оммавийлигини таъминлашдан иборатдир.

Равшан САМАРБЕКОВ,
ЎзКУФК ташкилий ишлар бўлими мудири

Илғорлар — барчага ибрат

Навоий вилоят «Ёшлар маркази»да ўтган тадбирда шаҳар ва туманларда ғолибликни қўлга киритган бошланғич ташкилотлар вакиллари, касаба уюшма фаоллари, вилоят ҳокимлиги, тегишли ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳозир бўлдилар.

Тадбирни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Анора Бобомуродова очди. Шундан кейин танловда иштирок этаётган бошланғичлар фаолияти бўйича тақдимотлар бўлиб ўтди. Айниқса, «Навоийдонмаҳсулотлари» ОАЖ, Навоий шаҳридаги 11-умумтаълим мактаби, Хатирчи туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда «Микрокредитбанк» ОАТБ касаба уюшма ташкилотларининг иш тажрибаси кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Танлов якунида 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган ва фаол иштирок этган бошланғич ташкилотларга диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

М. АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Тажриба ва ташаббускорлик

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарорига асосан ўтказилаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови меҳнаткашлар ўртасида касаба уюшмаларининг мавқеини янада юксалтириш ҳамда етакчиларнинг янгича ёндашув, ижодкорлик руҳида ишлашида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида мазкур кўрик-танловнинг Тошкент шаҳри бўйича ғолиблари аниқланди. Дастлабки жараёнларда барча тармоқ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаоллиги таъминланди. Шаҳар босқичига 36 та энг яхши бошланғич ташкилот ҳужжатлари тақдим этилди. Ҳудудий босқичда қуйидагилар ғолиб бўлди:

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси ташкилотларидан 1-ўрин Пахтасаноат илмий маркази ОАЖ, 2-ўрин Ўзбекистон «Сифат» маркази, 3-ўрин «Тошкент ёғ-мой комбинати» ОАЖга насиб этди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси тизимидан Тошкент шаҳар Солиқ идоралари ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси 1-ўринга, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси 2-ўринга, Тошкент шаҳар Халқ банки ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси 3-ўринга лойиқ топилди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси ташкилотларидан Тошкент Давлат техника университети касаба уюшмаси қўмитаси 1-ўрин, Учтепа туманидаги 453-мактабгача таълим муассасаси 2-ўрин, Чилонзор туманидаги 200-мактаб касаба уюшма қўмитаси 3-ўринни қўлга киритди.



Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизимидан 17-оилавий поликлиника 1-ўринни, Республика 1-тиббиёт коллежи 2-ўринни, шаҳар 1-болалар клиник шифохонаси 3-ўринни эгаллади.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси ташкилотларидан 1-ўрин «TOSHUYJOYLITI» ОАЖ, 2-ўрин Олмазор туманидаги «ASIAN DIAMOND CLASSIC» МЧЖ, 3-ўрин Учтепа туманидаги «Нурафшон нур» хусусий корхонаси касаба уюшма қўмиталарига берилди.

Шунингдек, Маданият Бирлашган касаба уюшма қўмитаси тизимидан 1-ўрин «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2-ўрин Ўзбек давлат цирки, 3-ўрин Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бошланғич ташкилотларига насиб этди.

Айтиш жоизки, танловда намунали бошланғичлар фаолияти билан яқиндан танишиш, тажриба алмашиш имкониятини яратиш мақсадида уларнинг иш жараёнига оид кўргазма ташкил этилгани кўпчиликка манзур бўлди. Кўргазмаларда жамоа шартномалари ва унинг ижроси назоратга олинган бошқа ҳужжатлар ҳамда турли тадбирлардан стенд ва фотосуратлар акс этди. Бу орқали бошланғич ташкилотлар етакчилари хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, спортсоғломлаштириш ишларини ташкил этиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги ютуқлардан ўрнак олиб, ўзаро фикр алмашишди. Қолаверса, Ўзбек давлат цирки касаба уюшма қўмитаси «Энг чиройли кўргазма ташкил қилган бошланғич ташкилот» номинацияси ҳамда Ўзбекистон Фанлар Академияси Бирлашган касаба уюшма қўмитасидан «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич ташкилоти «Энг яхши тақдимот қилган бошланғич ташкилот» номинацияси билан тақдирланди.

— Қўмитамиз ўз атрофига 47 та бошланғич ташкилот ва 5300 дан зиёд аъзони бирлаштирган, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Шерзод Жўраев. — Жорий йилнинг касаба уюшмалари тизимида «Бошланғич ташкилотлар йили» дея номланиши фаолиятимизга бўлган эътиборни янада кучайтирди. Аъзолик бадалларининг 60 фоизи ўзимизда қолдирилиши ҳисобига 150 нафар болани имтиёзли асосда ёзги оромгоҳларда, 10 нафар ходимни санаторийларда дам олдиришга эришдик. Шунингдек, ишчи-ходимлар ва уларнинг фарзандларига бассейнга бориш учун 400 та чипта харид қилинди.

— Замон талабига мос тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган шифохонамизда 33 мингга яқин аҳоли саломатлиги муҳофазага олинган, — дейди Олмазор туманидаги 17-оилавий поликлиника касаба уюшма қўмитаси раиси Улуғбек Абдукаримов. — Жамоамиз аъзоларининг 80 фоизи хотин-қизлар. Шу боис жамоа шартномасида уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратганмиз. Хусусан, аёлларнинг иш соати қисқартирилиб, 12 ёшгача иккита ва ундан ортиқ, 16 ёшгача ногирон боласи бор ишловчи оналарга иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча дам олиш кунлари берилмоқда. Танловда 1-ўринга лойиқ топилганимиздан жуда бахтиёрман. Келгусида ҳам ходимларни ҳар томонлама ҳимоялашни янада кучайтирамиз.

Танлов ғолибларига ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Оммавийликка шундай эришилади

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг мавқеини кўтариш борасида кейинги йилларда қатор чора-тадбирлар белгиланиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бу борада Бухоро вилоятида ҳам кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жойларда «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг дастлабки босқичларида ғолибликка эришган жамоаларнинг фаолияти, тажрибаси оммалаштирилаётгани айни муддао бўлмоқда.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ушбу танловнинг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Махсуд Шукуров тадбирнинг мазмун-моҳияти, бугунги долзарб вазифалар тўғрисида тўхталди.

Бошланғич ташкилотларнинг ўз фаолияти ҳақидаги чиқишлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Танлов якунига кўра касаба уюшмалари турли тармоқларида фаолият кўрсатаётган Бухоро шаҳридаги «Шоҳруд» ОАЖ, Бухоро давлат университети ҳузуридаги 4-академик-лицей, Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси, Халқ банки вилоят бошқармаси, «ДЭУ-Текстил-Бухоро» хорижий корхонаси бошланғич касаба уюшма ташкилотлари биринчи ўринни эгаллашди. Когондаги «Олтин тола» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси «Энг чиройли кўргазма ташкил қилган бошланғич ташкилот», Бухоро давлат университети ҳузуридаги 4-академик лицей касаба уюшма қўмитаси «Энг яхши тақдимот қилган бошланғич ташкилот» номинациялари бўйича ғолиб деб топилди.

Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбир сўнгида «Санъатим сенга, обод юртим!» бадиий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича кўрик-танловининг республика босқичи ғолиблари иштирокида концерт намойиш этилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Тадбир аввалида бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг фаолиятидан сўзловчи кўргазма ташкил этилди.

Шижоатга ундади

Бирлашма кенгаши раиси Д.Хўжаева иштирокчиларни Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами билан қизғин қутлаб, касаба уюшмалари ҳаракатида бошланғич ташкилотларнинг тутган ўрнига тўхталиб ўтди. Жумладан, жамоа шартномалари меҳнат ва у билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда касаба уюшмаларининг асосий қуроли экани таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Равшан Самарбеков сўзга чиқиб, кўрик-танловининг асосий мақсади ҳамда бошланғич ташкилотлар олдидаги вазифалар бажарилиши, фаолият самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар берди.

Танлов якунига кўра, тармоқлар бўйича 1-, 2-, 3-ўринни эгаллаган ҳамда «Энг чиройли кўргазма ташкил қилган бошланғич ташкилот», «Энг яхши тақдимот ташкил қилган бошланғич ташкилот» номинациялари совриндорларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

— Мактабимизда ходимлар саъй-ҳаракати билан узумзор боғ ташкил қилганмиз, — дейди таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тармоғида ўтказилган танлов ғолиби, Олтиариқ туманидаги 8-умумтаълим мактаби касаба уюшмаси етакчиси Алишер Розиқов. — Олинган даромаддан меҳнат шароитини яхшилаш, ходимлар манфаати учун фойдаланяпмиз. Ходимлар меҳнат ҳуқуқини таъминлашга қонунчилик ҳамда жамоа шартномаси талабига қатъий амал қилиниши ҳисобига эришяпмиз. Бу йил танловга ўзгача ҳозирлик кўрдик. Меҳнат муҳофазаси, касаба уюшмалари тўғрисида стендлар, кўргазмали қуроллар тайёрладик. Мактабда турли мавзуларда ўқув-семинарлар ташкил қилдик. Ҳаракатларимиз натижа берди, танлов ғолибига айландик. Бу келгусида янада ғайрат билан ишлашимизга туртки бўлади.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Уюшқоқлик билан

«Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти ҳудудий босқичи юқори савияда ўтди. Танловда қатнашган бошланғич ташкилотлар етакчилари ходимларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш ҳақида видеороликлар орқали маълумот беришди. Меҳнат хавфсизлигига доир кўргазма барчада қизиқиш уйғотди.

Кўрик-танлов якунига кўра, Агросаноат ходимлари мажмуи касаба уюшмаси тизимидан «Шўрчи дон маҳсулотлари» АЖ касаба уюшма ташкилоти биринчи, Ҳазорбоғ ва «Сайхон» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари касаба уюшма қўмиталари кейинги ўринларни эгаллашди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси тизимидан Термиз иқтисодиёт, Шўрчи маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежлари ҳамда «Шингдон Спининг Термиз» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмиталари ғолиб топилди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси ташкилотлари орасида Қумқўрғон туманидаги 3-умумтаълим мактаби (1-ўрин), Шеробод туманидаги 3-умумтаълим мактаби (2-ўрин) ҳамда Музработ туманидаги 3-мактабгача таълим муассасаси (3-ўрин) касаба уюшма ташкилотлари совриндор бўлишди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси бўйича Қумқўрғон, Денов, Узун туманларидаги тиббиёт бирлашмалари бошланғич ташкилотлари ғолиб деб топилди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси тизимидан Шеробод туман ҳокимлиги касаба уюшмаси 1-ўринни эгаллади. Олтинсой туман ҳокимлиги ва Сариосиё туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази касаба уюшма ташкилотлари 2- ва 3-ўринларга лойиқ топилди.

Шунингдек, «Энг чиройли кўргазма ташкил қилган бошланғич ташкилот» ва «Энг яхши тақдимот қилган бошланғич ташкилот» номинацияси эгалари ҳам аниқланди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

«Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови Жиззах вилояти босқичида бошқа тармоқ бошланғич ташкилотлари билан ўзаро тажриба алмашиш, касаба уюшма фаолларининг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, фаолият самарадорлигини янада ошириш ҳамда ҳудудий тармоқ босқичлари ғолибларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ғолиб бўлган бошланғич ташкилотлар фаолиятини акс эттирувчи кўргазма ташкил этилди.

Масъулият

— Кўрик-танловнинг икки босқичи вилоятимизда муваффақиятли якунланди. Бугунги кунда 1423 та бошланғич ташкилотимиз ўз сафига 202 минг 81 нафар аъзони бирлаштирган. Аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Тармоқ тизимларидаги ўнлаб корхоналарда яхши тажриба ва билимга эга, қолаверса, жамоа орасида обрў-эътибор қозонган касаба уюшма етакчилари фаолият кўрсатиб келишмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Нусратилло Пардаев.

Тадбир давомида етакчилар ўз иш тажрибалари ҳақида слайдлар ёрдамида батафсил ҳикоя қилиб беришди. Жумладан, Зафаробод пахта тозалаш корхонаси касабақўм раиси Хонқул Ҳамроев таъкидлаганидек, 320 ходим меҳнат қилаётган корхонада ёшлар ҳамда хотин-қизларнинг иш шароити, меҳнат муҳофазасини янада яхшилашга эътибор қаратилган. Касаначилик, янги ишлаб чиқариш объектлари барпо этиш ҳисобига юзга яқин иш ўрни яратилган. Жамоа шартномаси орқали ходимларнинг моддий манфаатдорлиги ортмоқда. Ўтган йили жамоа шартномаси асосида ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 706 минг сўмни ташкил этди.

Танлов сўнгида ғолиб бошланғичлар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, «Энг чиройли кўргазма ташкил қилган бошланғич ташкилот» ҳамда «Энг яхши тақдимот қилган бошланғич ташкилот» номинациялари совриндорларига эсдалик совғалари топширилди.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch

2013-yil 1-sentabr № 106-107 (3300)

Яхши ишлар билан гўзал кунларга

Наманган вилояти

Юрт тараққиёти, фаровон турмуш ҳар бир ватандошимизнинг устувор мақсадига айланган. Ҳар бир ютуқ замирида чин дилдан қилинган меҳнат, шу билан бирга давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамжиҳатлиги мужассам.

Хусусан, Наманган вилоятида жорий йилда аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилди. Натижада, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 11,3 фоизга ўсиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,3, қишлоқ хўжалиги 6,6 , қурилиш ишлари 9,7, чакана савдо айланмаси 19,7 ва пулли хизматлар ҳажми 17,1 фоизга ўсди. 2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 2031 та лойиҳа амалга оширилиб, 53 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида жорий йил бандлик дастурига мувофиқ 38,7 мингта янги иш ўрни яратилди. Қувонарлиси, шундан 31,7 мингтаси қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Бу каби салмоқли ютуқларда нуфузли жамоат ташкилоти — касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Элга нафинг тегса...

— Энг улуғ, энг азиз байрамимизга қадар амалга оширилган ишларни тўйга тўёна, юртимиз аҳлининг қувончига ҳисса сифатида баҳоласак ўринли бўлар, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Зулайҳо Маҳкамова. — Жорий йилнинг шу даврига қадар мақсадларимиздан оғишмай, меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзолари манфаатларини ҳимоя этиш, турмуш шароитини яхшилаш, фаровонликни бардавом қилиш учун тизимли тадбирларни амалга оширдик.

1585 та корхона ва ташкилотда 3594 нафар кам таъминланган оила вакилларига 169 млн. 63 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шу орқали уларнинг муайян эҳтиёжи қопланишига эришилди.

44 та корхонадаги 46 нафар оила вакилига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланадиган товарлар харид қилиш, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 176 млн. 400 минг сўм корхона маблағи ҳисобидан ссудалар берилди.

Аёллар ва ёшлар масаласи ҳам эътибордан четда қолмаяпти. 312 та корхонада фарзанди 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 357 нафар ёш онага 33 млн. 800 минг сўм (шундан 12 млн. 950 минг сўми касаба уюшма маблағи ҳисобидан) моддий ёрдам кўрсатилди.

Нодавлат сектордаги 64 та муассасада меҳнат қилаётган 124 нафар болали аёлнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилди. Бу мақсад йўлида 9 млн. 450 минг сўм корхона маблағи сарф этилди.

Келажак — билимли ёшларники

«Билими зўр мингни йиқар», дейди доно халқимиз. Бугун жаҳонни теран ақл ва мислсиз шижоат билангина лол қолдириш мумкин. Шунинг учун ҳам касаба уюшмалари ёшларнинг таълим олиши, ўз касбининг моҳир устаси бўлишига алоҳида эътибор бераётир. Иш берувчилар билан бу борада олиб борилган келишувлардан керакли натижалар қўлга киритилмоқда. Пировардида 114 та корхона олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 119 нафар талаба учун шартнома пулларининг бир қисми қопланди.

258 та корхона томонидан 836 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар туҳфа қилинди. Мазкур хайрли ишга маъмурият 16 млн. 100 минг сўм, касаба уюшма эса 6 млн. 900 минг сўм йўналтирди.

Касб-ҳунар коллежларининг 2012-2013 ўқув йили битирувчиларига касаба уюшмаси маблағидан моддий ёрдам кўрсатиш режасига асосан, амалиёт ўтаган 1753 нафар кам таъминланган талабага 2 млн. 790 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, уларнинг ишли бўлишига кўмаклашиш мақсадида тадбиркорлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди. Фикримизни Учқўрғон туманидаги ҳолат билан далилласак. Мебел ишлаб чиқарувчи хусусий тадбиркор Ҳамидахон Тиллабоевага 7 нафар коллеж битирувчиси бириктирилди. «Чек» МФЙда яшовчи Роҳила Тожибоева 5 нафар қизни тикувчилик сир-асрорларидан воқиф этадиган бўлди. «Соҳил» МФЙда яшовчи Равшанбек Каримов эса лимонарийсида ўн йигитга баракали ишлаш сирларини ўргатаётир. Худди шу каби кўплаб ёшлар шогирдлик босқичидан ишонч билан ўтиб, ишли бўлишмоқда.

Инсонга меҳр

«Қариси бор уйнинг – париси бор». Бу нақл кексаларимизнинг дуогўйлигига ишора тарзда пайдо бўлган бўлса, ажабмас. Айниқса, кексаларимиз ҳузурида бўлганимизда, панду ўгитлардан кўнгиллар равшан тортади. Худдики уларнинг юзидаги фаришта қалбингизга кириб олгандек. «Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида» акцияси доирасидаги тадбирларда бу ҳолат янада ёрқин кўзга ташланади. Жорий йилнинг ўтган вақтида ўзгалар парваришига муҳтож 10 нафар ёлғиз кексаларга жами 1 млн. 719 минг сўмлик ижтимоий кўмак чоралари амалга оширилди.

Нуронийлар билан бир қаторда ҳаёт қувончи бўлмиш болажонларга ҳам алоҳида меҳр-эътибор кўрсатилмоқда. Бунинг биргина мисоли — жорий йилда вилоятнинг энг сўлим ва оромбахш ҳудудидаги масканга касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 2013 йилга мўлжалланган Манзилли дастур асосида қайта ҳаёт бахш этилди. Бу ердаги бунёдкорлик ишларига 1,5 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. «Камалак»нинг фойдаланишга топширилиши вилоятдаги болажонлар учун унутилмас туҳфа бўлди.

«Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида таътил аввалида шаҳар ва туманларда чин етим, иқтидорли, кам таъминланган оила фарзандлари учун болалар мусиқа мактабларида концерт дастурлари, қўғирчоқ театри томошалари намойиш этилиб, эсдалик совғалари тарқатилди. 12 нафар чин етим, боқувчисини йўқотган иқтидорли болаларга қимматбаҳо эсдалик совғаси сифатида «Норин велосипедлари» олиб берилди.

Наманган шаҳри ва туманларда касаба уюшмалари томонидан Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлардаги ногирон ҳамда ота-онасиз, боқувчисини йўқотган чин етим, кам таъминланган, иқтидорли болаларнинг 3500 нафарига эсдалик совғалари сифатида ўқув қуроллари, ёзги спорт кийимлари, спорт анжомлари, болалар учун энциклопедия китоблари олиб бериш йўлга қўйилди. Кам таъминланган оилалар фарзандлари, шунингдек, таълимда юксак натижаларга эришаётган ўқувчилардан 500 нафари учун вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этилди. 148 нафар чин етим болалар, 67 нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига театрлаштирилган томоша кўрсатилиб, совғалар топширилди.

Шунингдек, Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси томонидан 7 нафар, вилоят кардиология марказида 2 нафар кам таъминланган оила фарзандларига «Хатна» тўйлари ўтказилди. Тўй болалар учун омонат кассасига 50000 сўмдан маблағ қўйилди.

Муносиб рағбат

Янги яратилган иш жойларининг доимий мониторингини ўтказиш орқали ҳам ишловчилар манфаати ҳимояланмоқда. Шу пайтгача 840 та корхона ва ташкилотда янги яратилган 7746 та иш жойининг мониторинги ўтказилиб, уларнинг ҳақиқатда яратилганлиги ва меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси таъминланганлиги ўрганилди.

Шунингдек, шу вақтга қадар жамоа шартномаларига меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича киритилган 34557 та мажбуриятдан 17278 таси бажарилди.

Қалбнинг икки қаноти

Маънавият инсониятга ато этилган беқиёс куч, тенгсиз неъматдир. Шунинг учун ҳам вилоятда ишчи-ходимларни маънан бақувват қилишга жиддий эътибор берилади. Зеро, маънавий дунёси мустаҳкам кишини ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

Жумладан, амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислоҳотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга етказиш борасида корхона, ташкилот ва муассасаларда «Маънавият соатлари»ни тизимли ўтказиш йўлга қўйилди. Ҳар ойда 2205 га яқин бошланғич ташкилотда ўтказилган маънавий тадбирларда 400 000 дан ортиқ ишчи-ходим иштирок этди.

«Маънавият соатлари»да Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида» асарлари мазмун-моҳияти чуқур ўрганилди. «Маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидалари — комилликни шакллантиришнинг асосий омилларидан биридир», «Оммавий маданият» — маънавий ва ахлоқий тубанликка олиб келади», «Миллий ва умуммиллий қадриятлар, улуғ аждодлар мероси», «Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги — миллий ғоя асоси», «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» мавзулари бўйича маърузалар ташкил этилмоқда.

Тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш мақсадида корхона, ташкилот, ўқув юртларидаги «Маънавият ва маърифат» хоналари иш берувчи ҳамда касаба уюшма қўмиталари томонидан маънавият ва миллий ғоя тарғиботига оид плакатлар, фото-кўргазмалар, буклетлар билан жиҳозланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллиги байрам тадбирлари барча бошланғич касаба уюшма ташкилотларида кенг нишонланаётир. Уларда маданият, санъат, фан арбобларининг иштироки таъминланмоқда.

Шунингдек, ишчи-ходимларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши ҳам яхши йўлга қўйилган. 1200 нафар кам таъминланган оилалар ва ходимларнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Қўқон каби тарихий шаҳарларга жамоавий саёҳатлари уюштирилди. Фарзанд кўрмаган ёш оилаларнинг ишлайдиган аъзоларига «Умид гулшани» санаторийсига 8 та йўлланма имтиёзли равишда берилди. Тиббиёт ходимларидан 10 нафарига бепул йўлланма ажратилди. 55 нафар фермер ҳамда 55 нафар кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорлар сиҳатгоҳларда имтиёзли соғломлаштирилди.

Дахлсиз ҳуқуқлар ҳимояси

Ҳуқуқни англаш, бу борадаги маданиятни юксалтириш ҳамда бепул юридик кўмак кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ёрдам сўраб эшик тақиллатишдими, демакки, бу ташкилотга одамларнинг ишончи ўзгача. Ишловчиларнинг манфаатини ҳимоялаш асосий мақсади бўлган ташкилотнинг юридик бўлимида ҳаёт қайнайди. Буни ўтган олти ойликда бирлашмадаги «Ишонч телефони»га жисмоний шахслар томонидан 420 та оғзаки, 70 та ёзма, юридик шахслардан 80 та мурожаат қилинганидан ҳам билса бўлади. Ўтган вақт ичида судда иштирок этилиб, касаба уюшма орқали 9 нафар фуқаро ишга қайта тикланди. Мансабдор шахсларга нисбатан 26 маротаба тақдимнома юборилди, шулардан 19 таси қаноатлантирилди.

Энг муҳими, ҳар бир мурожаат доимий эътиборда.

* * *

Вақт — оқар сув. Уни қўлда тутиб бўлмайди, аммо оний фурсат давомида хайрли ишлар қилиш орқали вақтни тарихга муҳрлаш мумкин. Йигирма икки йиллик гўзал ва барча ҳавас қиларли тарихимиз шундай интилишлар самарасидир. Бу тарихнинг нурли саҳифаларида касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар, албатта, муносиб ўрин эгаллайди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Ҳудудлар бўйлаб

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Обод турмуш йили» дастури ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрамига бағишлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Самарқанд, Тайлоқ туманларида маҳаллалар фуқаролари вакиллари ва кенг жамоатчилик иштирокида тадбир ташкил этилди.

Ватан фидойи фарзандларини унутмайди

Оқдарёликлар «Устоз» санаторийсидаги сўлим гўшага эрта тонгдан оқиб кела бошлади. Санъаткорлар иштирокида катта концерт намойиш этилди. Тадбирга Иштихон ва Пайариқ туманларида яшовчи кам таъминланган, эҳтиёжманд оила вакиллари, хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ҳам таклиф этилди.

Тантанада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева юртимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган шарафли, ўзгаларга андоза бўлаётган тараққиёт йўли, ислоҳотларимизнинг мазмун-моҳияти хусусида гапирди. Шундан сўнг Оқдарё тумани ҳокими Нурали Бердибоев, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Барот Амиров ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик қутлуғ санасини муносиб кутиб олиш, барча соҳаларда эришган ютуқ ва натижаларимизни сарҳисоб қилиш, аҳолининг, аввало, ёшлар онгу тафаккурини ўстириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, юртимиздаги ўзгаришлар моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилаётган тадбирнинг аҳамиятига эътиборни қаратишди.

Шундан сўнг, Оқдарё, Иштихон, Пайариқ туманларида яшовчи кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига маиший техника воситалари ҳамда пул маблағларини топширилди.

— Мамлакатимизда инсон қадр-қиммати жуда баланд. Қийналганни суяш, унинг оёққа туриб олиши, фарзандларини бекам-кўст улғайтиришига барча елкадош бўлади. Буни биз ўз бошимиздан ўтказяпмиз, — дейди Иштихон туман Барлос қишлоғида яшовчи Маҳфуза Эшназарова. — Касаба уюшмалари томонидан қимматбаҳо кир ювиш воситасининг совға қилиниши мени мамнун қилди. Болали уйда бу техникага ҳар куни юмуш топилади.

Шу куни Самарқанд туманидаги «Қайнама» МФЙ ҳудудидаги 26-мусиқа ва санъат мактабида Нуробод, Пастдарғом, Самарқанд туманлари жамоатчилик вакиллари, ёрдамга муҳтож оилалар мустақиллик айёмини тараннум этувчи тадбирга йиғилишди. Бу ерда ҳам истиқлол моҳиятига тўхталиб ўтишди. Мазкур ҳудудларда яшовчи кам таъминланган оила вакиллари, ҳалок бўлган ҳарбийларнинг шарафли хизмати ёдга олинди. Касаба уюшмалари томонидан тайёрланган туҳфалар ўз соҳибларига топширилди.

***

Фарғона шаҳридаги «Ёшлар маданият ва спорт марказ»да Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида байрам тадбири ўтказилди. Унда Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева иштирок этди. Шунингдек, Ватан олдидаги бурчларини ўташда ҳалок бўлган тўққиз нафар ҳарбийнинг оила аъзоларига манзилли ёрдам кўрсатилди.

***

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қарорига биноан ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Тинчлик-осойишталигимиз йўлида қурбон бўлган 9 нафар ҳарбий хизматчи оилаларига манзилли кўмак берилди.

***

Жиззах шаҳри «Заргарлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Зилола Азимовалар хонадонига байрам арафасида касаба уюшма фаоллари ташриф буюришди. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилоятидаги масъул ташкилотчиси Алишер Каримов хонадон аъзоларини мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами билан самимий қутларкан, тинч, осуда ҳаётимизни таъминлашда хонадон соҳиби, ҳозирда марҳум, ҳарбий хизмат подполковниги Самандар Кенжаевдек мард, жасур ўғлонларнинг ҳиссаси беқиёс эканини таъкидлади. Хизмат пайтида жасорат кўрсатган йигитнинг хотираси мангуликка дахлдорлиги қайд этилди.

Касаба уюшмаларининг «Ҳеч ким эътибордан четда қолмасин!» шиори остидаги акцияси доирасида хонадон аъзоларига совға-салом ҳамда манзилли ёрдам кўрсатилди.

***

Мустақиллик байрами муносабати билан турфа тадбирлар ўтказилиши давом этяпти. Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан тизимнинг «Ватан фидойи фарзандларини унутмайди» акцияси доирасида ўтаётган тадбирлар шулар жумласидандир.

Фидойи эл фарзандларидан бири Қизилтепа туманидаги «Қушарти» ҚФЙ фуқароси Зокиржон Қаҳҳоров эди. Байрам олдидан касаба уюшма вакиллари марҳумнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олинди.

Шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 400 нафар эҳтиёжманд оилаларга манзилли ёрдам кўрсатилди.

Ўз мухбирларимиз

Навоий тоғ-металлургия комбинати ходимлари касаба уюшма кенгаши

Мамлакатимизнинг барча кончи ва металлургларини ҳамда меҳнатсевар халқимизни миллий байрамимиз — Мустақиллик куни билан самимий табриклайди!
Юртимиз тинч, турмушимиз фаровон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

«АММОФОС-МАКСАМ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ ВА КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИ

Барча Ватандошларимизни ҳамда тармоқ меҳнаткашларини мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги билан муборакбод этади.
Қудратли давлатимиз гуллаб-яшнайверсин.
Ҳаётимиз фаровон, Истиқлолимиз абадий бўлсин!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 октябрдаги 639-25-сонли қарорлари ҳамда «2515 AVTOJAMLANMASI»нинг 2013 йил 27 августдаги 4/31-сонли хатига асосан, «TOSHSHAHARYUKTRANS» UYUSHMASI, «2515 AVTOJAMLANMASI»га тегишли бўлган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Наманган кўчаси, 32-уй манзилида сақланаётган қуйидаги юк ташиш автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. ЗИЛ-138а русумли д/р 10 BE 470, 1985 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 186 000 сўм. 2. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10АХ321, 1984 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 181 000 сўм. 3. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 848, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 4. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 546, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 5. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10 АХ 703, 1984 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 181 000 сўм. 6. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ684, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 7. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10 AQ 872, 1984 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 181 000 сўм. 8. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10 АХ 459, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 9. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10 АХ 849, 1984 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 181 000 сўм. 10. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 01 012 ТВА, 1987 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 197 000 сўм. 11. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 733, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 12. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 973, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм. 13. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10 АХ 494, 1985 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 186 000 сўм. 14. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 ВА 070, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм. 15. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 01 504 САА, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм. 16. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 615, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм. 17. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 701, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 209 000 сўм. 18. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 847, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 209 000 сўм. 19. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АС 808, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 215 000 сўм. 20. ЗИЛ-ММЗ-4502 АСГ русумли, д/р 10 АХ 470, 1987 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 665 000 сўм. 21. ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ русумли, д/р 10 АХ 992, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 557 000 сўм. 22. ЗИЛ-ММЗ-45021 АСГ русумли, д/р 10 AQ 660, 1978 йилда и/ч а/в. Б/б - 5 927 000 сўм. 23. ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ русумли, д/р 10 АС 809, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 199 000 сўм. 24. ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ русумли, д/р 10 АХ 734, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 199 000 сўм. 25. ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ русумли, д/р 10 AQ 594, 1980 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 054 000 сўм. 26. ПАЗ-672М русумли, д/р 10 АС 818, 1985 йилда и/ч а/в. Б/б - 4 340 000 сўм. 27. УАЗ-469 Б русумли, д/р 57-52 ТНА, 1981 йилда и/ч а/в. Б/б - 5 912 000 сўм. 28. ГАЗ 2401 русумли, д/р 10 АК 710, 1980 йилда и/ч а/в. Б/б - 1 213 000 сўм. 29. УАЗ-31512-01 русумли, д/р 78-22 ТНА, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 233 000 сўм. 30. Н-13-130 русумли, д/р 10 В 205, 1991 йилда и/ч полуприцеп. Б/б - 6 062 000. 31. КАМАЗ 5521 русумли, д/р 10 ВА 626, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б – 12 396 000 сўм. 32. ЗИЛ-431610 русумли, 10 AG 795, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм.

Савдо 2013 йил 16 сентябр куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 13 сентябр куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2013 йил 16 сентябр куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 2, 17 октябр ва 1 ноябр кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 2 октябрдаги такрорий савдолар учун 30 сентяб куни соат 18:00; 17 октябрдаги савдолар учун 15 октябр куни соат 18:00; 1 ноябрдаги савдолар учун 30 октябр куни соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300

Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (8-371) 236-38-28. Расмий сайтимиз: www.rmm.uz.

Изоҳ: а/в – автотранспорт воситаси, и/ч – ишлаб чиқарилган, б/б – бошланғич баҳоси.

Хизматлар лицензияланган.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «Axborot-ma'lumot markazi» ДҚнинг 26.08.2013 йилдаги 88-сонли буйруғига асосан, корхонага тегишли, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Фаробий ва Ҳаракат тор кўчаси кесишмасида жойлашган корхона биносида сақланаётган «Нексия» русумли, д/р 01/365САА бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 17 655 689 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 30 сентябр куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 27 сентябр куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2013 йил 30 сентябр куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 7 ва 14 октябр кунлари соат 11:00да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 7 октябрдаги такрорий савдолар учун 4 октябр куни соат 18:00; 14 октябрдаги савдолар учун 11 октябр куни соат 18:00да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 ҳ/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. **Гувоҳнома №006231.**

«Universal Realtor» МЧЖ Бухоро вилоят филиали объектнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошириш тартибида ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдоларига таклиф этади!

Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2007 йил 3 августдаги 20-0702/4819-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган Бухоро шаҳри, Саноатчилар кўчаси 2-уйда жойлашган «Бухоротекс» очиқ акциядорлик жамиятининг мол-мулклари алоҳида-алоҳида **11 та Мулкий мажмуа** сифатида 2013 йил 16 сентябр соат 11.00да аукцион комиссияси иштирокида бўлиб ўтадиган «Такрорий аукцион» савдоларига қўйилади. Улар қуйидагилардан иборат:

Т/р	Мажмуанинг номланиши	Бошланғич баҳоси (сўм)	Эгаллаб турган майдони (га)	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м)
1	1-Мажмуа 9-этаж (ИЛК)	3 291 101 805,00	2,75	3186,5
2	2-Мажмуа 2-йигирув тўқув фабрикаси	30 803 247 821,00	17,84	117383,59
3	3-Мажмуа Ип бўяш фабрикаси	2 478 991 667,00	3,0	10637,15
4	4-Мажмуа Пардозлаш фабрикаси	17 238 812 546,00	11,26	70502,94
5	5-Мажмуа Механика заводи	2 132 888 034,20	1,65	6737,8
6	6-Мажмуа Тижорат маркази ва ҳудудидаги ишлаб чиқариш омборхона биноси	634 094 975,00	1,14	3060,7
7	7-Мажмуа Автокорхона	709 881 354,00	1,4	2268,32
8	8-Мажмуа Совутиш компрессор (ХВКС) биноси ҳамда совук сув ва оқава сув иншоотлари	2 406 299 276,00	4,14	6579,69
9	9-Мажмуа Экспорт хом-ашё омборхоналар ҳудудидаги бино-иншоотлар (2 та айвони билан)	1 205 737 121,12	3,02	8649,8
10	10-Мажмуа Ишкорлар омборхона биноси ва туз сақлаш майдони айвони	485 705 796,00	2,0	3537,6
11	11-Мажмуа Марказий омборхоналар биноси (кимёвий буёқлар айвони билан)	283 210 554,00	1,2	1763,58

Мулкий мажмуалар улар негизида янги корхона барпо этиш ва янги иш ўринларини яратиш шарти билан сотилади.

Аукцион савдоси Бухоро шаҳар Саноатчилар кўчаси 2-уйда жойлашган «Бухоротекс» ОАЖнинг маъмурий идора биносида бўлиб ўтади.

«Аукцион» савдоларида иштирок этиб мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар Бухоро шаҳри, Қарши дарвозаси кўчаси, 1-уйда жойлашган «Савдо ташкилотчиси» — «Universal Realtor» МЧЖ Бухоро вилоят филиалига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Аукцион савдосида қатнашиш учун белгиланган шаклдаги талабнома;

Закалат пули тўғрисидаги келишув;

Талабгорлар томонидан «Закалат пули тўғрисидаги келишувни» имзолагандан сўнг, «Савдо ташкилотчиси»нинг ОАТБ «Турон» банк Бухоро филиали, МФО 00111, СТИР 302269399, 20208000704975228005 ҳисоб рақамига мулкий мажмуа бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоиз миқдоридаги гаров пуллари тўлаганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

Жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин яъни 13 сентябр куни соат 11.00да тўхтатилади.

Аукцион савдоси ғолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кундан кечикмай сотувчи билан мулкий мажмуа олди-сотди шартномасини имзолаши шарт.

Имкониятингизни қўлдан бой берманг азизлар!

Мулкий мажмуалар таркибига кирувчи мол-мулклар рўйхати билан танишиш ва қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат килишингиз мумкин.

«Universal Realtor» МЧЖ Бухоро вилоят филиали.

Манзил: Бухоро ш., Қарши дарвозаси кўчаси, 1-уй. Тел: (8 590) 712-27-85.

Электрон манзил: buxoro@realtor.uz, интернетдаги сайт: www.realtor.uz

Лицензия RR-0127.

Газетанинг навбатдаги сони 5 сентябр, пайшанба куни чиқади.

Эътироф

Шаҳарлар гули

Одатда «Гуллар шаҳри» деганда кўз ўнгимизда Наманган пайдо бўлади. Бу ҳақиқат. Лекин мен жонажон шаҳрим Нукусни ҳам гуллар шаҳри, «шаҳарлар гули» дегим бор. «Орзуга айб йўқ», дейди халқимиз. Бугунги Нукус, том маънода қурилишлар майдонига айланган десам, муболаға бўлмайди. Қурувчилар бор маҳоратларини ишга солиб, бир-биридан ҳашаматли ва кўркам иморатлар барпо этмоқда. Яқинда узоқ сафардан қайтган бир йигит ўзининг ҳайратини яширолмасдан, ҳаяжонланиб гапира бошлади.

— Ўзим ўйнаб-ўсган ерларни, чангитиб юрган кўчаларни танимай қолдим, — деди у чуқур нафас олиб. — Наҳотки, саккиз-тўққиз йилда шаҳар шунчалар ўзгариб кетса?

Ушбу ўзгаришлар Истиқлол берган неъмат эканлигини ҳис этиб, шукроналар айтаман. Зеро, унинг қадрига етиб, авайлаб-асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ортиқбой МОМУТОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр дерматологии и венерологии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан объявляет конкурс на обучение в качестве старших научных сотрудников-соискателей.

Документы принимаются с 15 октября по 15 ноября 2013 года.

Претенденты на обучение в качестве старших научных сотрудников-соискателей представляют в РСНПМЦДиВ МЗ РУз следующие документы:

заявление;

справку-объективку;

копию трудовой книжки, заверенную в установленном порядке;

копию диплома магистратуры высшего образовательного учреждения или рассматриваемого как равный ему диплома Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан, Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан и высших образовательных учреждений Службы национальной безопасности Республики Узбекистан, либо диплома кандидата наук или диплома о высшем образовании, полученных до введения степени магистра;

напечатанный научный доклад по теме исследования и развернутый проект плана докторской диссертации;

список научных статей (не менее трех), опубликованных в научных журналах и изданиях, тезисов (не менее двух), включенных в сборники научных и научно-практических конференций, семинаров и «круглых столов», иные сборники научных трудов по соответствующим научным направлениям, которые могут составить основу диссертационного исследования на соискание ученой степени доктора наук, а также их копии;

копию документа ВАК, удостоверяющего прохождение претендентом теста на предмет определения склонности к научной и научно-педагогической деятельности;

письменное согласие одного из ведущих ученых на определение его в качестве научного консультанта.

Обладатели Государственной стипендии Президента Республики Узбекистан представляют копию соответствующего документа.

Лица, поступающие для обучения в качестве старшего научного сотрудника-соискателя сдают вступительные экзамены по специальности, истории Узбекистана, теории познания и методологии науки и иностранному языку (изученному на предыдущих уровнях образования).

Претенденты, имеющие степень кандидата наук по соответствующему направлению науки, освобождаются от сдачи вступительных экзаменов.

Обучение будет проводиться на бюджетной основе.

Вступительные экзамены проводятся в период с 1 по 20 декабря 2013 года.

Адрес: г. Ташкент, Олмазарский район, улица Фароби, дом 3. Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр дерматологии и венерологии МЗ РУз.

Телефон: +99871 214-50-01, +99871 214-50-98.

Факс: +99871 214-50-98.

e-mail: niidiv@mail.ru

Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр дерматологии и венерологии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан объявляет о начале приема документов претендентов на самостоятельное соискательство.

Документы принимаются с 15 октября по 15 ноября 2013 года.

На самостоятельное соискательство оформляются лица, имеющие диплом бакалавра или магистра, или ученую степень кандидата наук, диплом высших военно-образовательных - учреждений Министерств обороны, Министерства внутренних дел, Государственного таможенного комитета или Службы национальной безопасности Республики Узбекистан, или диплом о высшем образовании, полученный до введения степени магистра, со стажем практической работы не менее пяти лет, обладающие склонностью к научным изысканиям и имеющие определенные научные достижения (патенты на изобретения, научные публикации, участие в научно-технологических разработках и др.), соответствующие установленным требованиям.

Претендент на самостоятельное соискательство должен обратиться с заявлением в РСНПМЦДиВ МЗ РУз с приложением следующих документов:

характеристика с места работы;

справка-объективка;

копия диплома о высшем образовании или диплома кандидата наук;

копии трудовой книжки, заверенной в установленном порядке;

копия документа ВАК, удостоверяющего прохождение претендентом теста на предмет определения склонности к научной и научно-педагогической деятельности;

список научных работ и научных отчетов (патентов).

Адрес: г. Ташкент, Олмазарский район, улица Фароби, дом 3. Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр дерматологии и венерологии МЗ РУз.

Телефон: +99871 214-50-01, +99871 214-50-98.

Факс: +99871 214-50-98.

e-mail: niidiv@mail.ru

Услуги лицензировано.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -02.15
Topshirildi -03.50

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г –911 13644 nusxada bosildi 1 3 4 5